Ўзбекистон келажаги—буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА № 176 (671). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «ДОЙЧЕ БАНК АГ» БАНКИНИИГ БОШҚАРУВЧИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ АЪЗОСИ ГЕОРГ КРУПП РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯИИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Р. ЖУМАНИЕЗОВ тасвири.

СУРАТДА: қабул пайти.

Ислом Каримов жаноб Георг Круппни Тошкентда «Дойче банк аг» ваколатхонаси очилганн муносабати билан қутлаб, бу воқеа тўрт ой муқаддам бошланган ҳамкорликнинг самараси эканини айтди. Банк ишлари юзасидан ўзаро маслаҳатлашув бу йўналишга тажрибали мутахассисларни жалб этиш, малакали ходимлар тайёрлаш борасида Ўзбекистон билан мазкур нуфузли банк ўртасидаги амалий ҳамкорлик истиқболли бўлади, деб ишонч билдирди.

Жаноб Георг Крупп самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этар экан, куни кеча Тошкентда ўз ишини якунлаган Халқаро банклар конференцияси муваффақиятли ўтганини таъкидлади.

(ЎзА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами—ўзбек давлатчилигининг тикланиши куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистоннинг демократик жамият барпо этиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга доир саъй-ҳаракатларини венгер халқи зўр эътибор ва эҳтиром билан кузатиб турибди.

Венгер халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали мустақил Ўзбекистон халқига ҳуқуқий давлат барпо этишда ва бозор иқтисодиётини вужудга келтиришда муваффақиятлар тилаймиз.

Самимий ҳурмат билан,

Арпад ГОНЗ,
Венгрия Республикасининг Президенти.
Будапешт, 1993 йил, 1 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами—ўзбек давлатчилигининг тикланиши куни муносабати билан Венгрия ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман.

Сизга ва Сиз орқали демократик ўзгартишлар йўлидаги мислсиз қийинчиликларни енгиб ўтаётган Ўзбекистон халқига ҳуқуқий давлат барпо этишда ва бозор иқтисодиётини вужудга келтиришда янги-янги муваффақиятлар, шунингдек, минтақангизда тинчлик ва барқарорлик бўлишини тилайман.

Энг эзгу истаклар билан,

Йозеф АНТАЛ,
Венгрия Республикасининг Бош вазири.
Будапешт, 1993 йил, 1 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг икки йиллиги муносабати билан Сизни самимий табриклашга ижозат бергайсиз. Яқин вақт ичида мамлакатингизни тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилмоқчи бўлаётган Жаҳон Туризм Ташкилоти Сизнинг доноларча ва билимдонларча раҳбарлигингиз остида тинчлик, фаровонлик ва туризм ҳар томонлама ривожланишини тилайди.

Сизга энг яхши истакларимни йўллайман.

Антонио Энрикос САВИДНАС,
ЖТТ Бош котиби.
Мадрид, 1993 йил 31 август.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ БЮРО ОЧИЛДИ

8 сентябрь куни республикамиз пойтахтининг Шевченко кўчасида Ўзбекистонда Европа ҳамжамияти комиссиясининг техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш бюроси очилди.

Обрўли халқаро ташкилот ваколатхонасининг очилиш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари М. Рустамбеков, Европа ҳамжамияти вакили В. Андерсен, Европа ҳамжамияти комиссиясининг Ўзбекистондаги миссияси раҳбари О. Аллэ ҳамда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг Тошкентдаги элчихоналари, ваколатхоналари раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва Европа ҳамжамияти вакили В. Андерсен рамзий лентани қирқиб, ваколатхонани очди. Ваколатхона узра Ўзбекистон ва Европа ҳамжамияти байроғи кўтарилди. Европа ҳамжамияти вакили Вибеке Аидерсен ЕҲКнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги бошлаганига анча бўлганини ва бу ҳамкорлик истиқболли эканини таъкидлади.

Маълумки, Европа ҳамжамияти комиссияси собиқ СССРнинг мустақилликни қўлга киритган республикаларига хусусий мулк ва шахсий ташаббусга асосланган бозор иқтисодиётига ўтишда кўмаклашмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш учун ЕҲКнинг «Такис» деб номланган махсус дастури ишлаб чиқилган. Европа ҳамжамияти комиссиясининг техникавий ёрдамини мувофиқлаштирувчи бюро эндиликда ана шу дастурнинг Ўзбекистонда амалга оширилишига кўмаклашади.

Маросим ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари М. Рустамбеков, Европа ҳамжамияти вакили В. Андерсен, ЕҲКнинг Ўзбекистондаги миссияси раҳбари О. Аллэ, Ўзбекистонда ЕҲКнинг техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш бюроси директори Р. Иброҳимов мамлакатимиз ва чет эл журналистларининг саволларига батафсил жавоб бердилар.

(ЎзА).

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

Шарқнинг буюк алломаси Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш республика ташкилий комитетининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев бошқарди.

Мажлисда юбилейга тайёргарлик қандай бораётгани муҳокама этилди, мутасадди ташкилотлар вакилларининг ахборотн тингланди. Шунарса таъкидландики, асосий тантаналар 16-18 сентябрь кунлари Бухорода ўтади, маъракага хориждан меҳмонлар ташриф буюради. Улар Нақшбанд номи билан боғлиқ қадамжоларни зиёрат қиладилар. Юбилей арафасида Тошкентдаги Шарқшунослик институтида халқаро илмий анжуман, Ёзувчилар уюшмасида давра суҳбати ўтказилади.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллуди тантаналари истиқлол туфайли маънавий қадриятларимиз тикланаётганининг яна бир ёркин далили бўлади.

(ЎзА).

Фанлар академияси қишлоқ хўжалиги хизматида

8 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (ЎзҚХФА)нинг сессияси очилди. Сессияда етакчи олимлар, республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи барча етакчи ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Сессия бошланиши олдидан унинг қатнашчилари деҳқончилик-саноат мажмунининг турли-туман маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар. Намойиш қилинаётган хилма-хил маҳсулотлар олимлар билан деҳқонлар ҳамкорлиги нималарга қодир эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

ЎзҚХФАнинг ушбу сессияси «Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмунига илм-фан ёрдами» мавзусига бағишланган. Бу мавзу жуда кўп масалаларни ўз ичига олади. Анжуман қатнашчилари секция мажлисларида бир неча кун мобайнида қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказиш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, хомашё сифатини яхшилаш ва уни ишлашнинг иқтисодий муаммоларини муҳокама этадилар. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш, дон, сабзавот, мева етиштиришни кўпайтириш, чорвачилик ва ипакчиликни, ўрмон хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Сессияда республика иқтисодиётининг бу муҳим тармоғига илм-фан янада самарали ёрдам кўрсатишини таъминлашнинг тактика ва стратегияси ишлаб чиқилади. Шу мақсадда деҳқончилик-саноат мажмун турли тармоқларининг 300 га яқин мутахассислари сессияга ўз маърузалари, таклифлари билан келишган.

ЎзҚХФА сессиясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев нутқ сўзлади.

Сессия очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг:

1993 йил 30 июлдаги «Октябрь туманининг юмини ўзгартириш тўғрисида»ги;

1993 йил 31 августдаги Қўқраққа тақиладиган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» нишонининг чизма тасвири ва тавсифи тўғрисида»ги қарорлари тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

«Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1993 йил 15 июлда чиқарган Фармони;

«С. С. Саидқосимовни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1993 йил 22 июлда чиқарган Фармони;

«С. С. Сафоевни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирифасидан озод қилиш тўғрисида» 1993 йил 22 июлда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш (Даваархитектқурилиш) қўмитаси ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 5 августда чиқарган Фармони;

«В. К. Михайловни Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1993 йил 13 августда чиқарган Фармони;

«А. В. Ганиевни Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш бўйича давлат қўмитаси раиси этиб тайинлаш тўғрисида» 1993 йил 28 августда чиқарган Фармони.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ «КОРХОНАЛАР (ТАШКИЛОТЛАР) ФАҚАТ МАХСУС РУХСАТНОМАЛАР (ЛИЦЕНЗИЯЛАР) АСОСИДАГИНА ШУГУЛЛАНИШГА ҲАҚЛИ БЎЛГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги қарори билан тасдиқланган «Мулкчилик нинг барча шаклидаги корхоналар (ташкилотлар), шу жумладан чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шугулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992 йилги 182-модда) қуйидагича маъмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Баландликларда саноат альпинизми услубида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишлари бажариш».

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ҚИММАТЛИ ВА ЙЎҚОЛИБ БОРАЁТГАН УСИМЛИКЛАР ҲАМДА ҲАЙВОНЛАР ТУРЛАРИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар турларининг нодир генофондини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолишни кучайтириш, ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларнинг турларини, ёввойи ҳайвонлар маҳсулотларини четдан республикага олиб киришни ва республикадан четга олиб чиқиб кетишни тартибга солиш, уларнинг тури ва сони сақланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Мулк шаклидан, хўжалик фаолияти турндан ва кимнинг тасарруфида эканлигидан қатъи назар барча корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек, хусусий шахсларга тегишли рухсатномаси бўлмай туриб ёввойи ҳайвонларнинг (шу жумладан заҳарли жониворлар ва балиқларнинг) Қимматли ва йўқолиб бораётган турларини овлаб тутиш (отиш), тутқинликда сақлаш ва республикадан четга олиб чиқиб кетиш, улардан заҳар олиш ва бу заҳарларни сотиш, доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларнинг ёввойи турларини тайёрлаш ман этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Қизил китоб»га киритилган ўсимликлар ва жониворларни табиатдан ҳар қандай кўринишда тортиб олишга, алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тақдимномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси берадиган рухсатномалар асосидагина йўл қўйилади;

Овланадиган ҳайвонларни (шу жумладан заҳарли жониворлар ва балиқларни) овлаш ҳамда уларнинг маҳсулотларини тўплаш, ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси берадиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади;

«Қизил китоб»га киритилган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликларнинг турларини, ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан заҳарли жониворлар ва балиқларни), уларнинг маҳсулотларини, коллекциялар, гербарийлар ва ўлжаларни четдан Республикага, олиб кириш ва республикадан четга олиб чиқиб кетишга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги берадиган лицензиялар бўйича рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичида:

Ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан заҳарли жониворларни) кўпайтириш ва уларнинг маҳсулотларини олиш мақсадида тутқинликда сақлаш тартибини;

«Қизил китоб»га киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни овлаганлик (отганлик), тўплаганлик, сотганлик ва республикадан четга олиб чиқиб кетиш учун тўланадиган ҳақ миқдори, уни ундириб олиш ва бюджетга ўказиш тартибини, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озуқа ва манзарали ўсимликлар тайёрлашга рухсатномалар бериш тартибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва давлат божхона қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот олами табиий бойликларидан фойдаланилиши, уларни четдан республикага олиб кириш ва республикадан четга олиб чиқиб кетиш қоидаларига риоя этилиши устидан лозим даражадаги назоратни таъминласинлар.

5. Ушбу қарор ижросини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент. шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

ҚЎШНИЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон ўзининг икки йиллик Мустақиллик онларида бошқа жумҳурият ва вилоятлар билан дўстлик алоқаларини кенгайтирмоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари ва айниқса Ўзбекистон билан Қирғизистон Республикалари Президентларининг шу йил 14 августда Ўш шаҳридаги учрашуви, унда қабул қилинган ҳужжатлар ҳар икки давлат халқлари манфаатларига тўла мос бўлиб тушди. Бу тарихий воқеа икки халқни бир-бирига янада яқинлаштирди.

Кеча Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, ҳамда қўшни Фарғона, Андижон вилоят ҳокимлари, жамоатчилик вакиллари Наманганга ташриф буюрдилар. Ўзаро иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқаларни янада кенгайтириш омиллари белгилаб олинди.

Р. ПРИСОВ.

КАМАРБАСТАЛИК

ЮРТБОШИ НОМИГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ...

Куни кеча жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини — муборак истиқлолимизнинг нкки йиллигини кўтаринки руҳда ишонладик. Шу куни бутун Ўзбек халқи буюк бобокалону ҳазрат Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимини гувоҳи бўлди. Истиқлолимиз шарофати туфайли шону шуҳратини бутун дунё тан олса-да, ўз юртида номини тилга олиш ман этилган буюк саркарда ўз элига, ўз юртига қайтишга муяссар бўлди. Собиқ Иттифоқ республикаларида ўзаро уруш ва жанжаллар туфайли қирғин-барот бўлаётган бир пайтда, юртимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровонлик юртбошимиз Ислом Каримов олиб бораётган тўғри ва одилона сиёсатнинг самараси эканлигини бутун халқимиз кўриб, тушуниб, дилдан ҳис қилиб Президентимизга раҳматлар айтмоқдалар, ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар. Президентимизнинг номларига келаётган байрам олди дил изҳорлари, табриклар, хатлар шошилинчномалар фикримизнинг далилидир. Шу йилнинг мустақиллик байрам кунига қадар Президентимиз номларига 50 мингдан ортиқ хатлар келган. Унинг ҳар бирида Ислом Каримовнинг олиб бораётган сиёсати, қабул қилинаётган фармонларининг ҳаётийлиги, тикланаётган маънавиятларимиз ҳақида фикр билдирилади.

«Ассалому алайкум ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич! Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон истиқлолининг икки йиллик санаси яқинлашар экан. Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида бўлаётган ижобий ўзгаришлар, эришилган ютуқлардан дилларда қувонч, ҳаётимизда шукуҳ шуури ортиб бормоқда. Жаҳон майдонида, халқаро ҳаётда эришилган ютуқларнинг ўзиёқ беқиёсдир. Қарийб бир аср давомида жаҳон жамоатчилиги томонидан унутилаёган Ўзбекистон мамлакати, ўзбек халқи эндиликда оламга танилди, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбекистон Президенти жаҳон миқёсида олий даражада ўтказилаётган анжуманларнинг тўридан жой олди, қатор олий илм даргоҳларининг фахрий алломаси сифатида эъзозланмоқда. Бу — нафақат Президентнинг, балки Ўзбекистон халқининг ҳам халқаро обрў-эътиборга сазовор бўлаётганлигидан дарак беради, — деб ёзади Қўқон шаҳри, Исфара гузар маҳалласи аъзолари номидан маҳалла қўмитаси раёсати аъзоси Азимжон Аҳмедов ва Эътиборхон Мирзажон қизи. — Муҳтарам юртбошимиз, Сизнинг жаҳондаги энг машҳур қатор дорилфунунларнинг фахрий доктори рутбасини олишингиз, Сизнинг иқтидорингиз, илмингиз, салоҳиятингизга берилган олий баҳо бўлса, яқинда АҚШ Нью-Жерси штати «Фахрий фуқаролиги»га қабул қилинишингиз бутун фаолиятингизга, юксак инсоний хислат ва фазилатларингизга берилган аъло баҳодир. Биз, Исфара гузар маҳалласи аҳллари, Ўзбекистонининг барча халқи қатори Сизга берилган бундай юксак баҳолардан, жаҳондаги олий рутбали раҳбарларнинг нуфузли олдинги сафидан жой олишингиздан беҳад қувонамиз ва фахрланамиз.

Сизни ўзингиз ижодкори ва ижрочиси бўлган мустақиллик байрамининг икки йиллик санаси билан қизғин муборакбод этамиз».

Шу мазмундаги хатларни Андижон вилояти Оҳунбобоев шаҳрида истиқомат қилувчи I гуруҳ ногирони Дилмурод Соқиев, Тошкент шаҳар, I-Дўстлик мавзесидан пенсионер И. А. Бикгеева, Қашқадарё вилояти Қарши туманидан ўқитувчи Қ. Мўминов, Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Новқат туманидан пенсионер А. Маматқулов, Тожикистон Республикаси Хўжанд шаҳридан таниқли хушовоз тожик санъаткори Жўрабек Муродов ва бошқалар ҳам йўллашган.

Инсон зоти борки, доимо озодликка, ҳурликка интилиб келган. Шу интилиш уни юксакларга чорлаган. Биз озодликка Президентимизнинг интилиши ва сайъи-ҳаракатлари туфайли эришдик. Истиқлол сабабли маънавий қадриятларимиз тикланди, урфодатларимиз сайқал топмоқда. Дунё илм-фанига асос солган, унинг тараққиётига катта улуш қўшган бобокалонларимизнинг шон-шуҳрати ўзимизга қайтиб келди. Уларнинг номлари фахр билан қайд этилмоқда. Хўжа Аҳмад Яссавий, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ зотларнинг таваллуд топган кунларини нишонлаш борасида Президентимиз фармонлари халқимиз ғурурини баланд кўтарди. Динимизга йўл очилиши, қурилган масжид ва мадрасалар, борларининг ҳам қайтадан таъмирланиши халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Бу борада Президентимизга кела ётган хатлар ҳам меҳр-муҳаббат билан суғорилгандир.

«Ассалому алайкум ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич! Менинг ёшим 81 да. Амир Темур замонидан бери бутун тарихни қизиқиб ўрганиб чиқдим, — деб ёзади Тошкент шаҳри Ҳамза тумани 2-«Оқ уй» кўчаси, 16-уйда истиқомат қилувчи Муҳиддин ота Сайдалиев. Подшоларнинг кўплари ўз умрларини айшу ишратда ўтказганлар. Мана Сиз икки йил мобайнида тинмай изланиб, ўз халқингиз учун, мустақил Ватан учун хизмат қилмоқдасиз. Натижада Ўзбекистоннинг бўйи басти кўз олдимизда юксалмоқда. Жаҳон узра унинг ҳам ялови ҳилпираб турибди. Бутун дунё уни ҳурмат билан тилга олмоқда. Хароба бўлиб ётган масжид-мадрасалар Сизнинг даврингизда қайтадан тикланди, таъмирланди, обидаларимиз қад кўтарди. Уларда юз минглаб намозхонлар, ибодат қилаётганлар, Маккаю Мадинага зиёратга бориб келганлар тинмай Сизнинг ҳақингизга дуо ўқиб турибдилар. Эл-юрт бахтига доимо омон бўлингиз!»

Тақдир тақозоси билан чет элларда яшаб келаётган ватандошларимиз Ватан туйғусини юракларда ҳар лаҳза муқаддас сақлаб келадилар. Бугунги кунда улар ҳар бир ютуғимиздан қувониб, шодлигимизга шерик бўлмоқдалар. Улардан Президент номига келаётган хатлар ҳам меҳр ва ғурур билан тўлиб-тошиб ётибди. Ватанимиз мустақиллигини, Президентимиз шарофати-ла Нукусда ҳам ижобий ўзгаришлар юз бераётир. Яқинда истиқлолимизнинг икки йиллик байрами ҳам шаҳарда катта тантана билан нишонланди. Ўша куни шаҳар кўчалари одамлар билан ниҳоятда гавжум бўлди. Санъат усталарининг чиқишларн ва турли-туман кўнгилочар тадбирлар уларнинг кайфиятларига кўтаринкилик бахш этди.

СУРАТЛАРДА: 1. Нукус шаҳрининг кўриниши. 2. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат Университети физика факультетининг лабораториясида доцент М. Дусенбоев ва катта илмий ходим У. Ерназаровлар тажриба ўтказишмоқда. 3. Нукусдаги «Сарвиноз» халқ хореографик дастаси аъзолари.

А. ЗУФАРОВ олган суратлар.

Иқтисодий ислоҳот

ЯНА БИР ЯНГИ БОЗОР

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЎТКАЗИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АУКЦИОНИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Бозор шароитига босқичма-босқич ўтилаётган республикамиз иқтисодиётида унга хос бўлган муносабатларнинг янги-янги бўғинлари вужудга келмоқда. Жумладан, Марказий банк ҳайъатининг қарорига биноан яқин кунларда мамлакатимизда кредит маблағларининг аукциони ўтказилиши мўлжалланмоқда. Унинг моҳияти нима?

Кредит аукциони деганда қарзга берилиши мумкин бўлган вақтинча бўш пул маблағларининг унинг эгалари томонидан кимошди савдоси асосида сотилиши англашилади. Яъни, укда кредит муносабатлари эркин бозор қонунлари асосида шаклланади.

Бугунги кунгача амалда бўлган пул бозори тартиби бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан мерос қолган банк монополи кўкмидан холи эмас эди. Чунончи, келишилаётган қарз муносабатларининг иштирокчиларидан бири — баъзи ҳолларда эса ҳар иккаласи ҳам — албатта, банк муассасалари бўлиб майдонга чиқарди. Бу эса корхона ва ташкилот фаолияти муайян банк измига шсиз боғланиб қолишига сабаб бўларди.

Шу билан бирга хўжалик ҳисобида ва мулкчиликнинг бошқа турли шаклларида фаолият кўрсатаётган корхона ҳамда ташкилотлар ўзларига зарур бўлган вақтинчалик пул маблағларини асосан уларга хизмат кўрсатаётган тижорат банкларидан қарзга олишарди. Унинг ҳажми, муддати ва унга тўланиши лозим бўлган ҳақ устивор равишда банк муассасаларининг хоҳиши орқали ўрнатиларди. Бу ҳол кредит битимининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси — корхона ва ташкилотларнинг иззатнафси камситилишига олиб келарди. Буидан ташқари, улар ўзларининг бўш турган пул маблағларини фақат ўша банк муассасасида очилган ҳисобда сақлаб туришга мажбур эдилар.

Қарор топган ушбу ҳолат ссуда капиталининг тармоқдан тармоққа эркин кўчиб юриш имкониятларини чегаралаб қўйиб, иқтисодиётнинг турли бўғинларида молиявий тангликларни вужудга келтирди. Аҳвол шу даражага етдики, республикамизда етакчилик қилаётган «Саноат-қурилиш», «Деҳқончилик-саноат», «Тадбиркор» тижорат банклари фаолияти ўзлари хизмат кўрсатаётган тармоқлар таъсири доирасидан чиқа олмай қолди. Сабаби — уларнинг қарз бериш имкониятлари Марказий банк томонидан ўрнатилган қатъий лимитлар орқали чегараланган. Бундан ташқари, қарзга тўланадиган ҳақ миқдори Марказий банкнинг тижорат банкига берадиган қарзга тегишли ҳақ даражасига боғлиқдир.

Кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг кредит соҳасида маъмурий усуллар эркин бозор усулларига нисбатан устуи мавқени эгаллаб турибди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан ташкил этилиши кўзда тутилаётган кредит аукциони талаб ва таклифга асосланган янги бозор муносабатларини шакллантиришга, иқтисодиётда молиявий барқарорлик ўрнатилишига ва ссуда капиталининг самарали ҳаракат қилишига имкониятлар яратади.

Аукцион Марказий банк томонидан тасдиқланган қоида асосида фаолият юритади. Унинг ишини эса махсус қўмита бошқариб боради. Қўмита аъзоларининг ҳаммаси Марказий банк ходимларидир.

Албатта, пул бозори Марказий банк томонидан тартибга солиниши лозим. Бироқ бу — унга Марказий банкнинг ўзи ҳукмронлик қилиш керак, дегани эмас. Бусиз ҳам унинг қўлида тижорат банклари ва бошқа кредит иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи қатор восталар мавжуд. Фикримизча, ушбу қўмита фаолияти Марказий банк таъсири доирасидан холи, унинг аъзолари эса тижорат банклари ва бошқа йирик иштирокчилар вакилларидан иборат бўлиши лозим. Акс ҳолда, уларнинг ташаббуси бўғилиши, кредит аукциони ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмаслиги мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Алиҳўжа Ҳўжаалига айланиб қолаверади.

Белгиланган қоиданинг яна бир камчилиги шуки, фақат тижорат банклари ҳамда пул жамғармаларини жалб қилувчи молия-кредит муассасаларига қарз олувчи сифатида иштирок этишга рухсат берилган. Йирик корхона ва ташкилотларнинг қатнашиши эса тақиқланган. Ваҳоланки, молиявий жиҳатдан бақувват йирик корхоналар аукционда қарз олувчи сифатида иштирок этса, у ҳақиқатан тижорат банклари билан рақобатга киришган бўлур эди.

Бундан ташқари, мавжуд талабга кўра, қарз олувчи тижорат банклари Марказий банк томонидан ўрнатилган ликвидлилик даражаси (тижорат банкларининг ўз маблағлари ва қарзга олаётган маблағлари ўртасидаги нисбат)ни сақлашлари лозим. Бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бунинг тўғрилигини инкор этиб бўлмайди. Лекин яқиндагина давлат тасарруфидан чиқарилган йирик тижорат банклари, жумладан, саноат-қурилиш ва деҳқончилик-саноат банклари Ўзбекистон ҳукуматининг топшириқларини бажариш мақсадида корхона ҳамда ташкилотларга имтиёзли кредит бериши назарда тутилса, уларнинг бу кўрсаткични сақлаб қолишлари мушкул. Бу ҳол республикамиз халқ хўжалиги асосий қисмини молиялаштирувчи йирик банкларнинг аукционда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Уларнинг иштирокисиз ўтадиган аукционнинг эса қизиғи йўқдир.

Янги қоидада белгиланган қарзни қайтариш тизими ҳам камчиликдан холи эмас. Чунончи, қарз муайян муддатда қайтарилиши шарт ва уни узайтиришга рухсат берилмайди. Мантиқан бу қоидага ҳам эътироз билдириш қийин. Аммо амалиётда олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Масалан, қарз қайтариш кунида қарз тўловчининг ҳисобида пул йўқ бўлиши ёки унинг миқдори тўловга етмай қолиши мумкин. Хўш, бундай вазиятда ўртадаги низо қандай ҳал қилинади? Ҳозирги таомилга биноан бундай ҳолларда корхона қарз муддати ўтган кундан бошлаб юқори даражада ҳақ тўлайди ва буни банк махсус назорат остига олади. Афсуски, биз муҳокама қилаётган қоидада шунга ўхшаш вазиятлардан чиқиш йўллари кўрсатилмаган.

Албатта, янгилик камчиликдан холи бўлмайди. Лекин уларни тузатишда олим ва мутахассислар фикрини ҳисобга олиш, уларни қизғин баҳсга чорлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Мавлонхон МАРПАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси саноат-қурилиш банки кредит маблағларини тартибга солиш бўлимининг бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди.







Экспресс интервью

ҚАЛБЛАРДА АКС-САДО



МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ

Раҳим УСМОНОВ,
Тошкент вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи:

— ЖОЙЛАРДА кўп юрамиз. Айрим одамлар мустақиллик бизга нима берди деб сўраб қолишади. Суверен, демократик давлатнинг тўлақонли фуқароси бўлдик. Энди бу ўлкада қанча меҳнат қилсанг қадрланади. Унинг роҳати, самарасидан аввало ўзимизу болаларимиз манфаат кўраётганини айтамаи.

Бир куни даромадларни декларациялашга тўёналарни ҳам киритишни айтиб қолишди. Ахир тўёна даромад эмаску дедим. Декларациялашда миллий урф-одатларни ҳисобга олмаслик, адолатсизликдан бошқа нарса эмас. Уни ҳар ким ўз чўнтагидан тўй қилувчига харажатларни қоплашда кўмак тариқасида беради. Уидан солиқ олиб, бўлмайди. Куни келиб у пул ўз эгасига яна қайтади. Шундан сўнг бу ҳақда бошқа гап бўлмади.

Бу борада чет элларнинг ҳам тажрибаларини ўрганаяпмиз. Солиқ тизимини миллий урф-одатларни тушунадиган иқтисод илмини мукаммал эгаллаган билимдон кадрлар билан мустаҳкамласак, халқимиз ҳам, мустақил диёримиз ҳам фақат наф кўради. Шу боис солиқ идораларини мустақилликнинг мевасн давлатнинг таянчи, деб тушунаман.

КЕЛАЖАКДАН УМИДИМ КАТТА

Мактура УСМОНДИЁРОВА,

Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги корхонаси касаба уюшмаси кутубхонасининг мудири:

— МУСТАҚИЛЛИК ҳақиқатга бўлган ишончимни мустаҳкамлади. Яқинда оиламизда катта хурсандчилик бўлди. Ўғлим мактабни тугатиб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширганди. Қўшнилар, қариндошлар, таниш-билишлар болалнг имтиҳонлардан ўтолмайди дейишди. Тиришқоқ эди. Ўтиб кетди. Одамлар бекорга вақтима қилишаркан. Президентимизнинг ташаббуси билан олий ўқув юртларига тест усулида талаба саралашни ҳам мустақилликнинг мевасн деб биламан. Агар эркимиз тоталитер тузум ихтиёрида бўлганида бу иш амалга ошмаслигига амин эдим. Илмга чанқоқ ёшларимиз эшик ортида қолиб кетаверарди.

Келажакдан умидим катта. Ўзбекистон қадимда ҳам зиё тарқатувчи юрт бўлган. Балки ўн-ўн беш йиллар ўтар, юртимиздан Ибн Сино, Ал Хоразмий, Берунийлар етишиб чиқишига энди ишонаман. Буни ҳукуматнинг ғамхўрлиги, яратилаётган имкониятлардан ҳам фаҳмласа бўлади. Ҳозир рўй бераётган иқтисодий қийинчиликлар вақтинчалик, учтўрт йил сабр қилсак, ҳаммаси ортда қолади.



ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЧЕКСИЗ ЭКАН

Ҳасан МИРЗАЕВ,
Республика кўз касалликлари клиник шифохонасининг шифокори:

—ОЗОДЛИККА не етсин! Наъмой бобомиз ҳам эркинликни ниҳоятда қадрлаб «Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш», деганларида балки ҳозирги кунларимизда мустақиллик шабадаси юртимиз узра кезаётганини назарга тутган бўлсалар керак деган ҳаёлга бораман. Мустақиллик имкониятларимиз доираси чексизлигини кўрсатди. Буни ўз касбим мисолида гувоҳи бўлдим. Уч-тўрт йил муқаддам чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилишни ҳаёлга келтиролмасдик. Буни қаранг-ки, энди бу нарсалар оддий тадбирга айланяпти. АҚШлик кўз шифокорлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улар келиб ишимиз билан танишишди. Айниқса, кўз ўсмаларини, ёш қапчиғи яллиғланиши сингари хасталикларни даволашда лазер нурини қўллаётганимиз уларни ҳайратга солди. Хорижийлар юртларига қайтгач ўз клиникаларида бу усулни татбиқ этиш ниятида эканликларини билдиришди ўшанда.

Яқинда хушхабар олдик. Сентябрь ойи ўрталарида АҚШлик ҳамкасбларимиз махсус самолёт клиникалари билан яна ташриф буюришмоқчи. Бу сафар улар мутахассисларимизни кўз ўсмалари, нозла хасталикларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги усуллари билан таништиришмоқчи.

...БИЗ ҲАМ МЕҲМОНМИЗ

Мен тақдир тақозоси билан Оҳангарондаги қариялар уйида яшамоқдаман. Ҳаётимиз қизиқарли ва мазмунли. Бу ерда ишлаётганларнинг ҳаммаси диёнатли, меҳрибон кишилар. Қариялар уйига ҳиммат кўрсатаётган ўнлаб корхона ва жамоалар борки, улардан биз беҳад миннатдормиз...

Бироқ, менинг қўлимга қалам тутқазган мутлақо бошқа нарса. Бу ер ўз номи билан «Қарилар уйи». Ҳар бир кнши вақти келгач бу дунёни тарк этади. Вафот этган биродарларимизни хобхонамиз яқинидаги қабристонга қўямиз. Лекин қабристон хизматчисининг қўпол муомаласию ҳар бир майит учун пул талаб қилиши кўнглимизга оғир ботади. Устига-устак, марҳумни ҳам минг тавалло билан жойига қўяди. Тақдир нотантилик қилган қарияларга нисбатан бироз шафқатлироқ бўлишса. Ахир биздан кейин ҳам ҳаёт давом этаверади...

А. ҲАНИТОВ,
II-гуруҳ ногирони.

Жаҳон 24 соат ичида

РАДИОАКТИВ МОДДАЛАР ЗАРАРИ

Қозоғистонда радиоактив моддалар билан заҳарланган майдон 35 квадрат километрни ташкил этади. Республикада радиоактив қолдиқларини рўйхатдан ўтказиш ишлари давом этмоқда. Қидирув-текширув ишлари жараёнида бундай қолдиқларнинг юздан зиёд омборлари топилди. Инсон ва атроф муҳит учун ўта зарарли бўлган моддалар ҳажми эса 419 миллион тоннадир.

40 йилдан буён ядро синовлари ўтказиб келинган Семипалатинск ҳануз радиоактив ҳалокатнинг бош манбаи бўлиб қолмоқда. Бу ерда турли вақтларда ўтказилган ядро синовлари вилоятдаги экологии муҳитига катта зарар етказди. Айни пайтда ядро қолдиқларини зарарсизлантириш бош муаммо бўлиб турибди. Оғир иқтисодий қийинчилик шароитида республикада бу мақсадга сарфланадиган маблағ етишмаяпти.

«ОҒАҲОН» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЁРДАМИ

«Оғахон» жамғармаси Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон мухтор республикасидаги биродарларига инсонпарварлик ёрдами етказиб бермоқда. Душанбе—Хорог йўлининг 10 ой давомида қамал қилиниши оқибатида вужудга келган оғир иқтисодий аҳволдан жабр кўрган аҳолига ўтган шанба куни озиқ-овқат моллари келтирилди. Вилоят марказида яшовчи ҳар бир оилага 50 килограммдан ун, шунингдек, ёғ, шакар ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди.

Тожикистон ҳукумати ҳам вилоят аҳолиси учун энг муҳим товарлар етказиб беришни кучайтирмоқда. Автотрасса муҳолифатдаги жангарилардан озод қилингач, август ойидан бошлаб бу ерга икки автокарвон, жами юздан зиёд юк машинасида инсонпарварлик юкларини олиб келди. Яқин кунларда яна бир автокарвон йўлга чиқишга ҳозирлик кўрмоқда.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

Тожикистон Республикаси ва Исроил давлати ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Улар ўртасидаги шартномага мувофиқ Хатлон вилояти Данғара туманида «Зайтун» Тожикистон-Исроил қўшма корхонаси қурилади. Мазкур туманда Зайтун кўчатларини экиш учун 5 минг гектар янги ер ажратилди. Шунингдек, Душанбеда тамаки етиштириш ва уни қайта ишлаш, тамаки маҳсулотларн тайёрлаш бўйича «Тож-тож», Шаҳринав туманида маҳаллий хомашёдан Парфюмерия маҳсулотларн тайёрлайдиган «Тинчлик» корхоналари иш бошлади.

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Американинг Колорадо штати медицина ходимлари тожикистонлик ҳамкасбларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бундан бир неча кун илгари Колорадодаги «Умид» жамияти вакиллари Душанбе шаҳри касалхоналари иши билан танишиб, бу ерда дорилармонлар танқислигини сезишганди. Яқинда улар маҳсус самолёт билан 1,5 миллиард долларлик 20 тонна дори-дармон юборишди. Худди шундай дори-дармонлар Ўзбекистон Республикасидан ҳам мунтазам келиб турибди.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда ўз йўлини танлаб олди ва шу йўлдан дадил бормоқда. Давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асослари Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарларида кенг ёритиб берилган.

Ана шу қоидаларни ҳаётга татбиқ этилишига бир назар ташласак, тарихан қисқа муддат ичида кўп ва ниҳоятда серунум ишлар қилинганлигини кўрамиз. Ҳеч бўлмаганда Президентимизнинг Шарқ мамлакатларига қилган ташрифларига хусусида фикр юритиб ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қўшни мамлакатлар билан қадим-қадимдан дўстона алоқаларимиз бўлганлигини кўрамиз. Буни биз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур даврларида ҳам Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида яшаган халқимиз қўшни ва қардош Шарқ халқлари билан алоқаларини ривожлантиргани намоён бўлади.

Халқимизда «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» деган нақл бор. Шунинг учун биз биринчи навбатда қўшниларимиз — Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон билан мустаҳкам, чамбарчас ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш асосий мақсадимиз бўлиши ҳам бежиз эмас. Биз Марказий Осиёдаги бу ёш мустақил давлатлар билан кўп жиҳатдан ўзаро боғлиқмиз. Уларнинг ютуқлари ва азиятлари айни вақтда бизнинг ҳамдир. Буни Тожикистон мисолида кўришимиз мумкин. У ерда бўлаётган нотинчликлар бизни бефарқ қолдирмаяпти. Шунинг учун ҳам биз қўшни тожик халқига ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам руҳий ёрдам беряпмиз. Президентимизнинг бу борада алоҳида изчиллик ва жонбозлик билан олиб бораётган сиёсатларини БМТнинг Бош котиби Б. Бутрос Ғолий Жаноби Олийларига йўллаган мактубларида намоён бўлди. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг яқинда Россия федорацияси пойтахтида бўлиб ўтган учрашуви ва бу учрашув қатнашчиларининг яна бир бор БМТга мурожаати Республикамиз ва Қозоғистон Республикаси Президентлари ташаббуси билан амалга оширилди.

Ташқи сиёсат асосларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадидаги биринчи тадбирлар қаторида Президентимиз И. А. Каримовнинг 1991 йилнинг 16—19 декабрида қилган ташрифларини зикр қилиш лозимдир. Бу или сафарда икки давлат раҳбарлари ўртасида гоят самарали ва фойдали бевосита мулоқотлар бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида иқтисодий, савдо, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм, транспорт коммуникациялар соҳаларида ҳамкорлик ва бошқа бир қатор битимлар имзоланди. Ҳозирги кунда Туркия билан биргаликда ташкил этилган ўнлаб қўшма корхоналар бор. Туркия TRT телекомпанияси «Осиё» телеканалининг дастури Ўзбекистонда намойиш этилаяпти. Туркия университетларида ва институтларида диёримиздан борган қарийб икки минг талаба илм-фаннинг турли соҳаларида таълим олаяпти. Республикамизда «Замон — Ўзбекистон» газетаси чиқаяпти. Ўзбекистон ҳақидаги хабарлар эса Туркияда «Замон» газетасида бериб борилаяпти.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ШАРҚ ДУНЁСИ

Худди шу масалада олиб борилаётган ҳаракатлардан яна бири Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг 1992 йил 12—14 март кунлари Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи бўлди. Бу ташриф асносида дўстона самимий ва ишчанлик вазиятида ўтган музокоралар якунига кўра томонлар иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, спорт, темир йўл транспорти, автомобил ва денгиз транспорти соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатларни имзоладилар.

Бу ташриф олий даражадаги биринчи Ўзбекистон — Хитой учрашуви муҳим аҳамиятга эгалиги ва у икки дўст халқ ва мамлакатни ўзаро бир-бирига яқинлаштиришини тасдиқлади.

Шу йўналишда қўйилган қадамлардан яна бири, Ислом дини келиб чиққан ва ҳар бир мусулмоннинг зиёрат қилиш орзуси бўлган, Саудия Арабистонига 1992 йил 11—13 апрель кунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг ташрифидир. Саудия Арабистонида ўтказилган кунларда ўзбекистонлик делегация аъзоларига юқори даражада иззат-икром кўрсатилди. Ислом Каримовнинг Саудия Арабистони Қироли Фаҳд бин Абдул Азиз Ал Сауд билан бўлган учрашувида икки қардош мамлакат ўртасидаги тарихий ва маданий алоқаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида томонлар иқтисодий, савдо, техникавий, сармоя, маданий ва илмий, Мукаррама ва Маднаи Мунавварадаги муқаддас зиёратгоҳларга қадам ранжида қилдилар. Табиийки Президентимизнинг бу тадбирлари, яъни бундай шароит яратилши, халқимизнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган сиёсатнинг ёркин кўринишидир.

Шарқдаги ривожланиш даражаси билан машҳур ҳамда бу жабҳада катта муваффақиятларга эришаётган мамлакатларга ташриф ҳам ташқи сиёсатимизнинг узвий қисмидир. 1992 йилда Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Қурия Республикаси (16—19 июнь), Малайзия (19 — 22 июнь) ва Индонезияга (22—23 июнь) расмий ташриф буюрди. Ташриф асносида Баёниома, Баёнот ҳамда ҳар бир мамлакат билан бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоландн.

Бу ҳужжатлар иқтисодий, савдо, маданий, илмий-техникавий алоқаларимизни ривожлантиришга, қолажакда шу йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тааллуқли ҳамда халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш учун янги замин яратишга асос бўлди. Натижада бир қанча қўшма корхоналар тузилдн, қурилмоқда ва унумли иш юритиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Жанубий Қурияннинг бир қатор фирмалари, алал хусус жаҳонга донғи кетган «ДЭУ» ўзининг турли маҳсулотларини жумҳуриятимизга етказиб беряптилар. Бизда «ДЭУ»нинг қулай ва тежамкор автомобиллари сотилмоқда ҳамда автобуслари бир неча йўналишларда пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарлиши ҳам ўзига хос маъно касб этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Ташриф чоғида ҳам байрамда иштирок этилди, ҳам самарали ишлаб, бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Президентимизнинг Эрон Ислом Республикасининг Президенти Ҳошимий Рафсанжоний Жаноби Олийлари таклифига биноан 1992 йилнинг 24—25 ноябрида бўлиб ўтган расмий ташриф чоғида давлат бошлиқлари Ўзбекистон ва Эрон муносабатларининг янги босқичига асос бўлувчи бир қатор муҳим ҳужжатларга имзо чекдилар. Ҳужжатларда икки давлат ўртасидаги Марказий Банклар битими, савдо-сотиқ, транспорт воситасида юк ташиш, ҳаво қатнови ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўзда тутилган. Табиийки, бу қадамлар иккала мамлакат халқларини янада мамлакат ҳаётларини ва минтақадаги масалаларни келишган ҳолда баҳамжиҳат ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг Эрон билан алоқаларини яхшилаши мамлакатимиз учун денгизга чиқиш имкониятларини кенгайтиради. Бу эса республикамизга катта фойда келтириши нақлиёт ишларининг самарасини оширади. Тарихан ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ халқлар ўртасида замон тақазоси билан узилган ришталарни ва путур етган пойдеворларини тиклашда эса адабиёт, ва санъат, маданий, ижодий, илмий гуруҳлар билан алмашиш, маданият ҳамда кино ҳафталикларини ўтказиш, радио ва телевидение, шунингдек, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик катта ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Ўрта асрларда Марказий Осиёдан чиққан, дунёга машҳур, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларнинг барчалари ўша даврнинг илм тили — араб тилида ижод қилганлар. Алломаларимиз яратган асарлар ҳозирги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам бор. Ўрта асрларда араб дунёси билан бўлган тарихий, маданий, маърифий алоқаларни ҳозирги кунда тиклаш эса араб мамлакатлари билан яқиндан мулоқот қилишни тақазо қилади.

Шундай эҳтиёжларни қондириш мақсадида қўйилган яна бир қадам — Миср Араб Республикасининг Президенти Муҳаммад Ҳусни Мубарак Жаноби Олийларининг расмий таклифига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегациямизнинг 1992 йил 15 — 17 декабрида Мисрга ташрифидир. Ташриф давомида иккала мамлакат Президентлари миллий манфаатларига мос келадиган Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини ривожлантиришга оид аниқ-равшан чора-тадбирларни кўриб чиқдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасида сармоя сарфланишини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодий, илмий-техникавий, ҳаво қатнови ва ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Миср ишбилармонлари билан бўлган учрашуви мисрликларда катта қизиқиш уйғотди ва уларни биз билан қўшма корхоналар тузишга рағбатини оширди.

Ўзаро алоқаларни оширишда чет эл раҳбарларининг Ўзбекистонни зиёрат қилишлари ҳам ўзининг муҳимлиги билан олиб борилаётган ташқи сиёсатга муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Республикамизда Туркия Республикаси Президенти Турғут Узол, Афғонистон Ислом Давлати Президенти Бурҳонуддин Раббоний, Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэл (ҳозирда Туркия Республикаси Президенти), Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Навоз Шариф, Малайзия Бош вазири Маҳатҳир Муҳаммад ва бошқа давлат раҳбарларининг ташрифи эса сўзсиз Ўзбекистон Республикасини халқаро ҳаётда тутган ўз ўрни борлигини кўрсатди. Хуллас, Ватанимиз ташқи сиёсатида Ғарб билан бир қаторда Шарқ дунёси ҳам ҳал қилувчи рол ўйнашини Президентимизнинг юқорида фикр юритилган ташрифлари яна бир бор тасдиқлади.

Роиқ БАҲОДИРОВ.

• *Президент фармонлари қандай бажарилаяпти?*

ТУШОВ

ЕКИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖИГА ҒОВ БЎЛИШАЁТГАНЛАР

Лоқайдлик ва боқибеғамлик иллати урчиган жойда иши тепса-тебранмас бўлиб қолади. Ўзига сув юқтирмайди. Ишлаш учун имкон эмас, баҳона қидиради.

Давлат назоратининг Андижон вилояти бошқармаси ходимлари Хўжаобод туманида «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қоиун ижросини ўрганаётганларида ғалати манзарага дуч келдилар. Аслида ушбу ҳужжат ҳокимликда муҳокама қилиниши керак эди. Лекин ҳокимликдагилар кўрсатмани туман деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси И. Мирзаевга юмалоқ тўпдай ўтказди-қўйди. Юқоридагилар қўл учида иш қилишса, қуйидагилар нима қиларди? Раис масъулиятни елкадан соқит қилиб, юмушга ўринбосари Ш. Нурматовни рўбарў қилди. Эшакнинг юки енгил бўлса ётиб олади. Ўринбосар ҳам жон куйдириб ўтирмади. Ёлғондан туя ясади. Юқорининг топшириғи жойларда эмас, қоғозда муҳокама қилинди-да, сохта ахборот тайёрланди. Тўрачилик, хонага қамалиб олиб иш битириш бундан ортиқ бўлмас. Кўзбўямачилик, ўзгаларни алдаш кимга керак — биламиз. Оқибат нима бўлди, дерсиз? Туманда фермерлар учун 570 гектар ер ажратилиши ўрнига бор-йўғи 108 гектар берилди, холос. Деҳқон хўжалиги аъзолари чапак чалиб қолаверишди. Шубҳасиз, улар кўзлаган натижа ҳам бўлмади.

Булоқбоши туманидаги шоввозларнинг «билағон»лигидан кулишингизни ҳам, куйишингизни ҳам билолмайсиз. Улар туманда 18 та деҳқон хўжалиги тузилди, дея ахборот беришган. Амалда эса бу кўрсатгич бор-йўғи 10 тадан ошмаган.

Бу борадаги кўзбўямачиликда, шунингдек, Асака туманидагиларга етадигани йўқ. Улар фермер хўжаликларини қайд этишда 13 ўрнига 105 рақамини ёзганлар. Ўйланиб қоласиз. Қўшиб ёзиш сабоқлари наҳот унутилган бўлса? Юзакичиликдан не фойда?

Қўрғонтепа туманидаги «Қўштепа» жамоа хўжалиги раиси А. Жалилов фермерлар билан муроса қила олмади. Уларнинг ўртасида қандай гап бўлиб ўтгани қоронғу. Аммо раис шартномадаги гўшт ва сут маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортди. Шўринг қурғур фермер нима қилсин? Раҳбар — раҳбар-да.

Ўтган йилнинг якунида раис кўнгилларни осонгина чув туширди. Мажбуриятни бажармагани учун уларни ердан маҳрум қилди. Лекин фермерлар ҳам бўш келишмади. Турли остоналарга бош ўрдилар. Ниҳоят, раис инсофга келди, шекилли, 13 та деҳқон хўжалигига 25,8 гектар ер ажратди. Яна қаердан денг, суғорилмайдиган адирлардан. Шунда ҳам раис «юлдузни бенарвон» уриб кетди. Жорий йилнинг бошида фермерлар учун ажратилган майдонга бугдой экди. Натижада ташаббускорлар «сина» бошладилар. Ем-хашак етишмаслиги туфайли «Учқун», «Машъал», «Бургут» каби деҳқон хўжаликлари мутасаддилари чорва ҳайвонларини сотиб, қўлни қўлтиққа урдилар. Буниси ҳали ҳолва. Раис амалдаги қонунга хилоф равишда 10 та деҳқон хўжалигидан 144,731 сўм ундириб олди.

Гапнинг очиғи, айрим жойларда ҳали ҳам фермер хўжаликларига панжа остидан қараяпти. Уларга ер беришда тошлоқ ёхуд суғорилиши қийин жойлар ажратилиб бериляпти. Уларнинг оёққа туришида кўмаклашиш ўрнига масъулият елкадан соқит қилинаётир. Лекин ҳеч ким элни тўйдириш, дастурхонни файзли қилишга тўсиқ бўлолмайди. Янгичасига ишлаш, янгичасига иш юритишга тушов бўлгувчиларнинг эса кўзлари мошдай очилиши шубҳасиз.

Фозилжон ШОДМОНАЛИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Адлия вазирлигида*

ЖИДДИЙ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДАН

Албатта, ҳеч вақт ҳақиқат тантанаси учун хизмат қилувчи, адолат устуворлигига сафарбар қилиниган ҳалол сўзга эҳтиёж сўнмаган, аксинча, жиддий янгиланиш, кескин бурилиш пайтларида жамият ошкора мулоқотга— юқоридан ўтказилаётган ислоҳотларнинг барча қатламларга бекаму кўст етиб боришни таъминловчи омилга зарурат кучлироқ сезилган. Мустақилликнинг иккинчи йилини зўр муваффақиятлар билан нишонлаган озод Ўзбекистон истиқболида нурафшон куилар кутилаётган экан, унга эришиш барча соҳада янада масъулият талаб қилади.

Республика Адлия вазирлигида матбуот маркази аъзолари билан ўтказилган йиғилишда ана шундай ҳақиқатлар яна бир марта таъкидланди. Унда сўзга чиққан адлия вазири А. Мардиев дунёдаги маърифатли мамлакатларда тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилган оммавий ахборот воситалари айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар жараёнида янада фаоллик кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб, икки жабҳа — жиноятчиликка қарши курашишни ёритиш билан бирга ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш ҳаётий зарурат эканлигини эслатиб ўтди. Айниқса, жамиятда хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва ўсиб бориши ҳар бир фуқародан ҳуқуқий саводни талаб қиладики, бу вазифани уддалашда оммавий ахборот воситаларининг роли такрорланмасдир.

Йиғилишни бошқарган матбуот марказининг бошлиғи, адлия вазирининг биринчи ўринбосари М. Абдусаломов ҳамкорликда амалга оширилган хайрли ишларни қайд этиб, галдаги юмушлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида сўзлаган Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ижтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни таъкидлаб ўтди. Машварат сўнгида ўтган муддатда ҳуқуқий масалаларни яхши ёритган оммавий ахборот воситалари ходимларига мукофотлар ва тегишли гувоҳномалар топширилди.

Ҳ. САТТОРИЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

THE 1994 EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM
OPPORTUNITIES FOR GRADUATE STUDY IN THE USA

The Government of the United States of America and the United States Information Service of the American Embassy in Tashkent announce the 1994 Edmund S. Muskie Fellowship Program which will provide:

150 fellowships, one year or two years in length, for graduate study in the USA, some of which may lead to a degree or certificate from a US institutuion.

Fields:

Business Administration — Law
Public Administration — Economics

Competition for the Edmund S. Muskie fellowship program is merit-based and open. Anyone meeting the criteria below is eligible to apply.

Applicants must be:

Citizens of Armenia, Azerbaijan, Belarus, Estonia, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Latvia, Lithuania, Moldova, Russia, Tajikistan, Turkmenistan, Ukraine, or Uzbekistan.

Lucking funding for study in the United States

Under the age of forty (40) at the time of application

Holders of an undergraduate degree (five-year program) with good academic standing by July, 1994

Proficient in written and spoken English at the time of application

Able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in their field of specialization

Able to begin study in the United States in August 1994

Participation in the Edmund S. Muskie Fellowship Program is contingent upon the ability to receive and maintain a U.S. visa.

Spouses of U.S. citizens, individuals currently enrolled in academic programs in the United States, persons residing, working, or earning a living in the U.S., or individuals who applied for an immigrant visa or political asylum to any country are not eligible.

The Edmund S. Muskie Fellowship Program does not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national and ethnic origin, handicap, or disability.

Support for the Muskie Fellowship Program is provided by the Unted States Information Service.

The Program is administered by:

The American Council for Collaboration in Education and Language Study (ACCELS)

Institute of International Education (IIE)

International Research and Exchange Board (IREX)

Soros Foundation

Further information and applicatione are available from the following office:

Muskie Fellowship Program
Ul. Furkat,1
5th floor, room 7
700027 Tashkent, Uzbekistan
Telephone: 45-45-66
45-23-48

Completed applications for the 1994 Edmund S. Muskie Fellowship Program must be received by the above office by October 29, 1993.

Янгиқўрғон туманидаги Тўйчи Неъматов номли давлат хўжалиги деҳқонлари бу йил 9 гектар майдонга экилган Голландия картошка уруғидан гектар ҳисобига 350 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Ҳозирги кунда далалардаги баравж картошкалар парваришнинг юксак даражада ташкил этилаётганлиги ва олинажак юқори ҳосилдан далолат бериб турибди. Бунда механизатор Аҳмаджон Отамирзаевнинг муносиб улуши бор.

СУРАТДА: А. Отамирзаев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.



• *Қардошлик кўприклари*

ҚЎШИҚ ВА МУСИҚА САНЪАТИ ПИРИНИНГ ТЎЙИ

Ошиқ Ад-дин Шаҳобиддин ибн Умар (Ошиқ Ойдин Пир) нафақат Туркманистон, балки Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистондаги барча бахшилар, созанда-ғўяндаларининг пири ҳисобланади.

Қадимги Хоразм давлатининг пойтахти — Гурганж (Кўҳна Урганч) атрофларидаги улкан ялангликларга қадами етган киши ўзини афсонавий аждодларимиз — Гўрўғли, Бозиргон, Оға-Юнус, Шоҳсанам ва Ғариблар юртида ҳис этиши турган гап. Негаки, бу ердаги жой ва кўҳна қалъаларнинг бари ўша халқ қаҳрамонлари ва оғзаки ижоди намуналарида талқин этилган номлар билан юритилади.

Қадимий «Тасвиротул Хусайн» китобида баён этилишича, ошиқ Ойдин Пир — тарихий шахс, ҳозирги Тошҳовуз вилояти (Қадимги Хоразм давлати) ҳудудидаги Востон шаҳри яқинида, Диёрбакир қишлоғида мўғуллар истилосидан юз йилча муқаддам таваллуд топиб, жуда узоқ умр кўрган, Чингиз қўшини босқинига ҳам бевосита шоҳид бўлган. Бироқ, Пир номи билан боғлиқ бошқа бир факт: ҳатто Гўрўғли, Аваз-хон, Оға-Юнус, Хирмондали сингари афсонавий халқ қаҳрамонлари ҳам тарихий шахслар бўлганидан далолат беради. «Нажиб ўғлон» достонида талқин этилишича Оға-Юнус пари узоқ ва хатарли сафарга отланаётган ҳожаси Гўрўғлига қуйидагича мурожаат этади:

«Бундан борсанг шаҳри Бўстон (Востон) бориб кет,
Халқ ёдини юрагингга солиб кет,
Ошиқ Ойдин Пирдан дуо олиб кет,
Ундан рухсат олмай кетма Гўрўғли...»

Шу байтнинг ўзиёқ ҳозир ҳам мавжуд эски Вос (шаҳри Бўстон) қалъаси, бу масканда давру даврон сурган Гўрўғли ҳам, Ошиқ Ойдин Пир ҳам кўҳна тарихимизнинг бир нуқраси, боз устига бир-бирига замондош ҳам бўлишганини яққол ифодалаб турибди.

Ҳур диёримизда эса бошлаган озодлик эпкинлари асрлар қаърида пинҳона қолиб кетган буюк аждодларимиз пок номини яна халқимизга қайтарди. Қардош Туркманистон давлати эса савоб ишга бел боғлаб, ўзбек ва туркман эли санъат аҳлининг пири — Ошиқ Ойдин бобонинг муборак руҳи ёд этилишини анъана тусига киритди. Мана учинчи йилдирки, август ойининг охирида Пир туғилиб ўсган шаҳри Бўстонда соз ва қўшиқ сайли — халқ байрами ўтказилади. Тўй гарчи одам яшамас чўл бағрида, шаҳри Ҳалаб, шаҳри Ширвон, «Шоҳсанам», «Оқча келин» каби жаҳонга машҳур қалъаларнинг қолдиқларига бевосита яқин жойда ўтказилсада, минглаб, ўнминглаб муҳлислар, бахши созандалар йиғилади.

Буюк бобохалонимизнинг икки кеча-кундуз давом этган бу йилги тўйига Туркманистон, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондан 20 мингга яқин киши ташриф буюрди. Байрамда, шунингдек, қатор хорижий эллар: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Россия, Татаристон, Бошқирдистон, Туркиядан ҳам ардоқли меҳмонлар, миллий қўшиқ ва мусиқа санъати намоёндалари иштирок этдилар. Тўй қатнашчилари дастлаб Пир қабрини зиёрат қилиб, дуои-фотиҳа ўқидилар. Сўнгра улуғ устозга, қўшиқ ва мусиқа санъатига сўнгсиз ҳурмат рамзи сифатида шаҳри Бўстон остонасида қад ростлаган улкан дутор ёдгорлиги тантанали очилди. Байрамда жаҳоннинг турли туркий элларидан келган бахшилар, созандалар, раққос ва раққосалар, масхарабозлар, дорбозлар ўз санъат ва маҳоратларини намойиш этдилар. Байрам иштирокчилари ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқи оғзаки ижодн намуналарининг моҳир на машҳур ижрочиси, ҳивалик 95 яшар Вола бахши (Қурбонназир Абдуллаев)нинг жўшқин санъатини айниқса қизғин олқишладилар. Бахшилар, қўшиқ ва мусиқа санъати соҳиблари бахси 15 дан кўп улкан саҳналар узра тунукун давом этди.

Байрам иштирокчиларини Ўзбекистон делегацияси номидан Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков, Хоразм вилояти ҳоқими М. Жуманиёзов қутладилар.

Яхшилар ҳаётлигида эмас, ҳаётдан кетгач ҳам эзгуликни давом эттиришади, дегани айни ҳақиқат. Устоз тўйи бонс қардош элларнинг вакиллари яна учрашиб, дилдан суҳбат қурдилар, юзлаб-минглаб янги дўст-биродарлар орттирдилар, бир-бирларининг дийдорига тўйдилар, биродарлик, қон-қариндошлик анъаналарини изчил давом эттиришга аҳду-паймон қилдилар. Уларни бу ният, орзу-ҳавас йўлига улуғ Пирнинг пок руҳи, номи етаклаб келгани эса тамомила аён.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Сиз кутган учрашув: Эргаш Каримов, Роза Каримова*

«ЧОЙНАК-ПИЁЛА СИНДИРМАСЛИККА СЎЗ БЕРАМАН»

— Эргаш ака, дастлаб сизларга мухбирларга хос анъанавий савол билан мурожаат қилмоқчимиз. Санъат, аниқроғи кулдириш санъатини қачон ва қандай танлагансизлар?

Э. КАРИМОВ: — Биласизми, мен асли табиб бўлишни орзу қилардим. Маҳаллamизда Оқилхон ака деган табиб бўларди. У киши беморларга меҳрибон, дилкаш, камтар, ҳокисор инсон эдилар. Оқилжон аканинг ўзларига ҳам, касбларига ҳам ҳавасим келарди. Лекин, тақдирни қарангки, ёшликда севган касб насиб қилмади. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент театр ва рассомлик санъати олийгоҳининг актёрлик факультетига ўқишга кирдим. Қарабсизки, табиб ўрнига Эргаш Каримов бўлиб турибмиз.

Р. КАРИМОВА: — Киши балоғатга етгач, ўзидаги салоҳиятга, қолаверса, кўнглига қараб касб-ҳунар танларкан. Мен азбаройи санъатга қизиққанимдан Эргаш акангиз таълим олган олийгоҳга ўқишга кирганман.

— Биз кўпинча устоз, устоз деймизу, лекин устозлар ҳаққини ҳар доим ҳам ado этавермаймиз.

Э. К. — Дастлаб кимлардан сабоқ олганисизлар демоқчисиз-да? Биринчи устозим, раҳматлик Раззоқ Ҳамроев бўлган. Назира Алиева, Рубенштейн, Наби Раҳмов, Ғанн Аъзамовлардан таълим олдим. Устозлар ҳаққини ado этишга келсак, биргина санъат эмас, умуман ҳамма соҳада шогирдлар ўз усталаридан жуда кўп қарздор. Бобомиз Мир Алишер ҳазратларининг бу ҳақда айтган байтлари ҳамма учун дастур бўлиши керак:

«Ким сенга Ҳақ йўлида бир ҳарф ўқитса ранж ила,
Айламоқ ҳаққин ado бўлмас ани юз ганж ила»

Очиғини айтсам, агар устозлар бўлмаганида сиз билан биз ҳаётда жўкилигимизча қолаверардик.

Р. К. — Эргаш акам санаб ўтган устозлардан бир умр мамнунман. Улардан доимо йўл-йўриқ ўрганиб шу даражага етдик.

— Ҳажвий, комик ролларни ижро этганда, уларнинг ҳар бирига хос образни қандай яратасизлар?

Э. К. — Ҳўш, меҳнат қилмасангиз, озиқлантирмасангиз дарахт ҳам мева бермай қўяди. Ижро этган образларимизнинг ҳалққа ёққан барча-барчаси тинимсиз меҳнатларнмиз самарасидир. Радиодаги «Табассум»дами, ойнаи жаҳондаги чиқишларимиздами, қайси бирида халқимизга ҳуш кайфият бағишлаган бўлсак, ҳаммаси Роза опангиз билан ҳалғи нима дейди, репетиция қилиш, сценарийни қайта-қайта ўқиб, роль ижро этиш оқибатида юзага келган. Ўйлайсизки «Табассум»дагилар ёзиб беради-ю, Эргаш акам микрофонга ўқиб дилар, вассалом». Ҳеч-да! Муҳаррир укахонларимиз таҳриридан ўтган қўлёзма асарни руҳига қараб ўқимасак, ҳечам чиқмайди-да аковси. Қарабсизки, эшитиришни тайёрлаган муҳаррир укамиз ҳам, режиссёр акамиз ҳам, бир ёғда Ҳусанбой ҳам, соғ қўйишмайди бизни. Набн аканику айтмай қўя қолай.



Р. К. — Одамларни кулдириш, бу санъат оламидаги энг нозик, энг қийин соҳа. Тўғри, латифа айтиб ҳам одамларни кулдириш мумкин. Лекин, кулги билан кулгиниям фарқи бор. Мажбуран кулиш бошқа, юракдан яйраб, қаҳқаҳа отиб кулиш бошқа. Шунинг учун Эргаш акам айтганларидек, ҳар бир чиқишимиз ўзига хос меҳнат, ўқиш-изланишларимиз маҳсули. Айниқса, иккаламиз кўча-кўйда, бозорда, дўконларда юрганда, одамларнинг хусусиятларини, ўзаро муомилаларини жуда синчковлик билан кузатамиз. Уларда сатира ва юморга хос бирор «хислат» сездикми, дарҳол илғашга, ижро этадиган комик образларимизда фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Қисқаси, биз халқни неча бор ичак узди қилиб кулдирган бўлсак, ҳаммасини одамларнинг ўзларидан олганмиз. «Так что» хафа бўлишга ўрин йўқ. Мана, масалан, кўпинча ўзбек аёлларининг содда, самнмий, оилапарвар, вафодор, меҳмондўст, хушчақчақ, куйдипишди фазилатларига эътибор бераман, уй-рўзғор тутишнн билмайдиган сатанглар ҳам бор. Улар образнни ижро этиш мени илҳомлантиради.

— Негадир, ҳозир 70-йилларда ҳаммани тилга тушган «Телевизион миниатюралар театри», кейинроқ кашф этилган, «Экран хандаси», «Шунчаки ҳазил» кўрсатувларн ойнаи жаҳонда чиқмай қўйди. Радиодаги «Яхши кайфият» эшиттиришн ҳам бирдан «гум» бўлди.

Э. К. — Энди ука, уни биз «гум» қилганимиз йўқ. Қолаверса, Роза опангиз билан мени халққа таништирган ўша ҳамма кутадиган «Телевизион миниатюралар театри» эди. Қарасак, баъзи асарларни ўн йил давомида такрорий намойиш этиб келаяпмиз. «Жўкибой»га ўхшаб. Бўёғи адибларимиз ҳам ўз ижодини қайта қуришни чўзиб юборишди. Ҳеч нарса ёзмай қўйишди. Ёки ёзганларн ҳам бизгача етиб келмаяпти. Ҳар қалай ичак узди янги асарлар кам. Санд Аҳмад ака ёзса, Анвар Обиджон ёзса, Неъмат Аминов ёзса, Абдураззоқ деган обрўли укамиз чиққан, у киши ёзсалар «Телевизион миниатюралар театри» халқни кулдиргани-кулдирган эди.

Р. К. — Қани энди ўша ичак узди «Ошиқ Солиҳ», «Биринчи муҳаббат», «Лампа шиша» каби интермедиялар ёзишса, яйраб роль ўйнасанг.

— Биз ўйловдикки, Эргаш ака билан Роза опа ҳам кинога урнб кетди, деб.

Э. К. — Ҳей, қаёқда. Кинода бор йўғи беш олтита роль ўйнадик, холос. «Шум бола», «Олмос», «Қўрқув билмай» каби фильмларда.

Р. К. — Мен бўлсам, 1970 йилда суратга олинган «Учрашув» фильми ва «Наштар» сатирик киножурналидан кейин, болалар тарбияси, ишдан ортиб кинода роль ўйнолмадим.

— Кишиларни кулдириш учун биргина актёрнинг маҳорати етарлими? Умуман режиссёр билан актёрнинг ижодий жараёндаги муносабатига қандай қарайсиз?

Э. К. — Кўпчилик актёрлар ёки аксинча кўпчилик режиссёрлар дилидаги тугунни бир чертиб қўйдингиз-ов. Нимага деганингизда, ҳозир бу савол муаммоларни муаммоси бўлиб турибди. Айниқса, телевидениеда. Актёр қанчалик уста бўлмасин, режиссёрсиз ўз маҳоратини рўёбга чиқаролмайди. Айни пайтда режиссёр ҳам актёрсиз ҳеч иш қилолмайди. Лекин, афсуски жуда кўп ҳолларда биз, сендан мен камми қабилида иш кўрамиз. Бу санъат оламидаги энг катта хато. Худонинг ўзи бизларни такаббурликдан, бир-бирини менсимаслик дардидан йироқ қилсин.

— 1989 йилдан бошлаб ўтказилаётган қизиқчилар танлов кўригига муносабатингиз.

— Э. К. — Бундай танловнинг ўтказилиши халқимиз орасидаги ўнлаб иқтидорли ёшларни юзага чиқишига сабабчи бўлди. Бу анъанани давом эттириш тарафдориман.

— Кўпчилик «Булар қандайин ҳам топишган экан-а?» дейишади. Шахсан ўзим ҳам эл оғзига тушган кишиларни яқиндан билишга қизиқаман.

— Э. К. — Бунинг сир жойи йўқ. Бизларни таништирган илм даргоҳимиз. Шу ерда бир-биримизга кўнгил қўйдик, турмуш кўрдик. Худога шукр, ҳозир бува, буви бўлиб, тўрт нафар набирани тарбия қилиб ётибмиз.

— Қариялар Эргаш Каримов деганда, «ўша бемаъни тўпни деб, чойнак пиёлани синдирган, аёлини ҳафа қилган пиёниста бола-ми? Агар ҳаётда ҳам шундай ашаддий футбол ишқибози бўлса, тайини йўқ экан ўшани», дейишади.

Э. К. — Тўғри. Қарияларимиз, айниқса, қишлоқлардаги нуроний отахонлар кўп ҳикматли, салмоқли сўзлайдилар. Кўраяпсизми, улар пиёниста сўзига алоҳида урғу беришибди. Демак Роза опангиз билан ўйнаган ўша ролимиз изсиз кетмабди.

Афсуски, ҳали ҳаётда бундай енгил табиат эркаклар жуда кўп. Улар ичкилик деб бола-чақасининг тинчини бузишади, аёлини хўрлашади, охир оқибат рўзғорга путур етади. Буидайлар миллатимиз қадр қимматини ерга урувчи кимсалардир. Чойнак пиёла синдиришимизга келсак, ҳозирги шароитда битта пиёлани синдириш ҳам кишига оғир ботяпти. Лекин, бугунги «Пахтакор»ни кўриб идиш сингдирмасак ҳам бўлайроқ бўлиб турибмиз. Нима қилайлик, ишқибозлик ёмон нарса экан. Футбол жони дилим. Афсус, 70-йиллардаги «Пахтакор» энди йўқ. Лекин Нўъмон, Абдуқаххор, Шуҳрат, Миржалолларнинг келажаги порлоқ. Ишқилиб ўша кунларга етказсин. «Пахтакор» ғалабаларини мириқиб томоша қилайлик. Агар ўша кунларга Худойим етказса, чойнак пиёла синдирмасликка сўз бераман...

Ширин ИЎЛДОШЕВА,
Мухтор СУЛАЙМОНОВ суҳбатлашдилар.

ЗАҲМАТКАШ

(ТУЙҲАТ УРНИДА)

«Тўғри гап туққаннигга ёқмайди», дейдилар. Чунки, тўғри гапнинг тўқмоғи бўлади. Тўқмоқ эса, табиийки, ҳеч кимга ёқмайди, ҳатто ўз жигарбандигга ҳам.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев ижодини кузатар эканман, худди ана шу тўқмоқли тўғри сўзлилик у кишига доимо ҳамроҳ бўлганлигини сезаман.

Олимнинг бундан роппароса қирқ йил муқаддам Москвада ҳимоя қилган «Шарқий Туркистондаги 1926-йил қўзғалони» мавзуидаги номзодлик илмий ишидан тортиб, то яқиндагина «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида эълон қилинган «Занжирбанд ҳукмдорлар» мақоласига қадарлик жами икки юздан ортиқ илмий тадқиқотларида Туркистон тарихига доир ғоят қимматли қизил бўёқлар, ёлғон гаплардан ҳоли бўлган илмий далиллар жамланган дир.

1966 йилги зилзиладан кейинги янги қад ростлаётган Тошкент. Кундузи қурилишда ишлаб, дорилфунуннинг кечки бўлимида ўқийман. Тарих куллиётнни битираётган жиззахлик Ғани ака деган киши билан ҳамхонаман. Икковлон узун тунларда Ўзбекистон тарихи, Темур тузуклари, Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги рисоласи, қўйинг-чи, ўзбек халқи тарихига оид нимаики бор, бир-бир мутолаа қиламиз. Ўзимизча баҳслашамиз. Жумладан, Ҳамид Зиёевнинг «Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши» рисоласнни ҳам. Ҳолбуки ўша пайтларда нафақат Тошкент, бутун Ўрта Осиённинг Россияга «қўшиб олиниши»гина эмас, «ихтиёрий қўшилиши» хусусидаги қипқизил ёлғон зўр бериб бичиб-тўқилмоқда эди. Ҳамид Зиёев ўз рисоласида ана шу ёлғонни ўзига хос услубда фош этганди.

Қизил империяннинг сўнгги йиллари, 80-йилларнинг иккинчи ярми-ю, 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигининг фожиали оқибатлари, Орол фожнаси, аёллар хасталиги, болалар ўлими хусусидаги рост гаплар тилга баралла кўча бошлади. Шу йилларда «Шарқ юлдузи» ойномасида Ҳамид Зиёевнинг «Чоризм даврида пахта яккаҳокимлиги» номли мақоласини ўқиб қолдим. Мақолада ўлкамиздаги пахта яккаҳокимлиги балоси чоризм давридаёқ тантана қилгани тарихий далиллар асосида атрофлича ёритилган эди.

Ҳамид Зиёевнинг Москва, Санкт-Петербург, Тошкет, Алмати, Оренбург, Қозон, Уфа, Екатеринбург, Ирбит, Тюмень, Тоболск, Омск, Томск, Пермь, Нижний Новгород, Астрахан шаҳарларидаги архивларни бир сидра кўздан кечириб, улардаги Туркистон ва Сибир тарихига оид жамики ҳужжатларни ўрганиб чиқиши, бу йўлдаги сабр-бардоши, кишини ҳайратга солади. Бу тадқиқотлардаги мавзу йўналишларининг ранг-баранглигини айтмайсизми. Олим, қаламига мансуб айрим фундаментал тадқиқотларнинг номларини санаб ўтаман: «Сибирдаги ўзбеклар (XVI—XIX асрлар)», «Ўрта Осиё ва Сибир (XVI—XIX асрларда)», «XIX асрнинг биринчи ярмида Волга бўйи ва Ўрал тоғлари ўзбеклари», «Ўзбекистонда 1916 йилги қўзғалон қатнашчилари», «XIV—XIX асрларда Ўрта Осиё ва Сибирнинг иқтисодий алоқалари», «Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларн (1960—1980-йиллар)»... Буларга, Ўзбекистон тарихи, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва бошқа шаҳарлар тарихига доир дарслик ва китоблардаги олим томонидан битилган қатор боблар, турли мавзулардаги юзлаб мақолалар, шунингдек, махсус маҳаррирлик, илмий раҳбарлик, оппонентлик ва тақризчилик ишлари ҳам қўшилади-ган бўлса, Ҳамид Зиёев илмий фаолиятининг нақадар сермаҳсул ва серқирралилиги яққол намоён бўлади.

«Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсган буюк,»

дея ёниб шеър айтганди Абдулла Орип.

«Биз Сумар нишони,
Абу-т-турк қони,
Биз — ўзбек, жаҳонга қудрат-у кўркмиз,
Турк-суғут макони,
самандар жони,
Биз Турон, Туркистон,
биз асл туркмиз»,

дея куйиниб таъкидлайди бугун яна бир севимли шоиримиз Рауф Парфи.

Ҳамид Зиёев тадқиқотлари ана шундай фахр-ифтихор қилса арзийдиган бир халқнинг тарихини ўрганиш, ўзлигимизни англашга беминнат хизмат қилади.

Домланинг етмиш йиллик тўйи муносабати билан у кишининг ижодий фаолияти хусусида сўз юритиб, шундай тилаклар билдиргим келади: ҳақиқатни айтган заҳматкаш ва фидоий олимларимиз, ҳақ йўлида собитқадам отахонларимиз бор экан, иншоолло, қадимий ўлкамизнинг мустақиллик йўлидаги ҳар бир қадами қутлуғ бўлғай. Бу жаннатмакон ўлкада энди ҳеч қачон ҳақнинг зиёси сўнмас!

Раҳим ОТАУЛИ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби.

• *Спорт* • *Спорт* • *Спорт* •

ЖЎЖАНИ САНАШ ФУРСАТИ КЕЛДИ

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон иккинчи миллий чемпионатининг олий ҳам биринчи табақасида нураш айни авжига чиқди. Сараги-сараккз, пучаги-пучакка ажраладиган давр ортда қолди. Жўжани санаш пайти келди. Бугунги кунда медал учун ёки табақада мавқеини сақлаб қолиш учун нурашадиган жамоалар аниқ.

Олий табақада айниқса чемпионлик учун нураш кескин боряпти. «Нефтчи» ва «Пахтакор» ўртасидаги икки очко фарқ иккинчи даврнинг уч туридан сўнг ҳам сақланиб қолди. Чемпионлик тақдири ушбу жамоаларнинг 3 октябрь куни Тошкентда ўтказиладиган ўзаро учрашувида ҳал бўладиган кўринади. Негаки ҳар икки клуб кейинги ўйинларни кўтаринки рухда ўтказиб, республикамизнинг бошқа кучли жамоаларига ҳам панд беряпти. Тошкентликлар ўз майдонида «Нурафшон»ни, «Нефтчи» эса «Наврўз»ни мағлубиятга учратишини бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Қолаверса, «тўп юмалоқ» дейдилар, балки Наманганнинг «Навбаҳор» ва Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси чемпион бўлар. Ҳали унгача гап кўп, биринчиликнинг кескин нураш остида ўтадиган яна 12 тури олдинда турибди. Биринчи табақа пешқадами «Атласчи»нинг дастлабки босқичда 15 учрашувда мағлубиятга учрамай, иккинчи даврани кетма-кет уч марта мағлубият билан бошлаганини инобатга оладиган бўлсак, республика чемпионатининг қолган ўйинлари ҳам ҳар хил эҳтимоллардан холи эмас. Ҳозирча чемпионатнинг 17 ва 18-турларига озгина шарҳ бериб, республикамиз футбол жамоаларининг келажагига бирров назар ташлаймиз.

Кейинги икки турда олий табақа пешқадамлари ғалаба қозонди. «Нефтчи» ўз майдонида чемпионатнинг қуйи табақасидан жой олиб туришган «Чирчиқ» (5:2) ва «Трактор» (2:0) жамоаларини осонгина мағлубиятга учратган бўлса, «Пахтакор» ўзининг анча жиддий рақибларига қарши майдонга тушди. Дастлаб улар совринли ўринлар учун нураш олиб бораётган Бухорониинг «Нурафшон» жамоасининг қаршилигини енгиб 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Кейинги ўйинда эса энг ноқулай рақиб — «Орол»ни (эсингизда бўлса «Пахтакор» ўтган йили ҳам бу йилги мавсумда ҳам Нукусда мағлубиятга учраган эди) йирик ҳисобда (5:1) ютиб, мағлубиятлар аламидан чиқди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди:

XVII ТУР

«Янгиер» — «Сўғдиёна» — 1:4, «Политотдел» — «Орол» — 5:1, «Динамо» — МҲСК — 2:2, «Шифокор» — «Навбаҳор» — 2:4, «Наврўз» — «Трактор» — 1:1, «Кўшон» — «Темирйўлчи» — 1:2.

XVIII ТУР

«Политотдел» — «Нурафшон» — 1:1, МҲСК — «Янгиер» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Динамо» — 2:0, «Шифокор» — «Кўшон» — 3:1, «Наврўз» — «Чирчиқ» — 2:1.

«Навбаҳор» — «Темирйўлчи» учрашуви 24 сентябрга қолдирилди.

БИРИНЧИ табақада ҳам 18-тур учрашувлари якунландн. Марказий учрашув Термизда бўлиб ўтди. Бу ерда олий лигага асосий даъвогарлар — «Сурхон» ва «Атласчи» ўзаро куч синашишдн. Юқорида айтиб ўтганнимиздек, марғилонликлар бу учрашувда биринчиликдаги кетма-кет учинчи мағлубият аламинн тортишди. Ўйин 4:2 ҳисобида «Сурхон» ғалабаси билан якунланди. Навбатдаги мағлубиятга қарамай «Атласчи» 28 очко тўплаган ҳолда пешқадамлик қиляпти. «Сурхон»да 25, «Локомотив»да 24 очко бор. Кейинги икки турда имкониятни бой берган «Боғдод» клуби 22 очко билан иккинчи поғонадан тўртинчи ўринга тушиб кетди. Ушбу турнинг қолган учрашувлари қўйидагича тугади:

«Насаф» (Қарши) — «Боғдод» — 2:1, «Зарафшон» (Навоий) — «Бахт» (Тўрақўрғон) — 1:2, «Ситора» (Бухоро) — «Шаҳрихон» — 2:0, «Машъал» (Муборак) — «Савай» (Кўрғонтепа) — 3:0, «Маъданчи» (Бекобод) — «Локомотив» (Когон) — 0:0, «Кимёгар» (Чирчиқ) — «Олмалиқ» — 1:0, «Прогресс» (Зарафшон) — «Норин» (Хаққулобод) — 1:1.

Р. ЖУМАЕВ.

ОЛИЙ ТАБАҚАДА 18-ТУРДАН СЎНГГИ ВАЗИЯТ

		У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Нефтчи»	18	14	3	1	45:14	31
2.	«Пахтакор»	18	13	3	2	43:14	29
3.	«Навбаҳор»	17	10	5	2	34:14	25
4.	«Сўғдиёна»	18	9	7	2	29:13	25
5.	«Темирйўлчи	17	8	4	5	18:14	20
6.	«Наврўз»	18	7	6	5	31:24	20
7.	МҲСК	18	7	6	5	28:26	20
8.	«Нурафшон»	18	7	5	6	27:18	19
9.	«Политотдел»	18	6	2	10	27:31	14
10.	«Орол»	18	6	2	10	21:37	14
11.	«Янгиер»	18	5	4	9	21:31	14
12.	«Кўшон»	18	4	5	9	20:30	13
13.	«Динамо»	18	5	2	11	14:31	12
14.	«Трактор»	18	3	5	11	10:25	11
15.	«Шифокор»	18	5	0	13	18:52	10
16.	«Чирчиқ»	18	4	1	13	27:39	9



Мирзабой ота 88 ёшга тўлди. У ҳаётнинг бор аччиқ-чучугини тотган инсон, уруш ва меҳнат фахрийси. Бутун умр деҳқончилик билан машғул бўлди. Олдинига звено бошлиғи, кейин бригадир бўлиб ишлаган. Равон қишлоғининг ҳурматли, пиру бадавлат отахонларидан бири, ёшларнинг меҳрибон устози. У Республикамиз мустақиллик кунларига эсон-омон етиб келганидан ҳудога шукроналар айтади. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

СУРАТДА: Мирзабой ота набираси Акбарали билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ ВА АДАБИЁТИ

Маълумки, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти бадиий ижод аҳли учун ҳам буюк сарчашмалардан биридир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Раиси Жамол КАМОЛ жамоатчи мухбиримиз Барно ХУЖАЕВАга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

— Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳақида 3—4 йил аввал гапириш бошни қундага қўйиб бериш билан баробар эди. Нақшбанд, Яссавий, Ғазолий ҳақида пана-панада ярим овозда гапирилардн. Энди мана овозни баралла қўйиб, меинг боболарим деб фахрланиш мумкин.

Нақшбанд таълимоти исломиятда жуда катта бурилиш ясаганлигинн дунё зукколари эътироф этишган. Ҳазратнинг «Дил ба ёр, даст ба кор», яъни «Дил оллоҳни билсин, қўл юмуш қилсин» деган ҳикматлари инсониятнинг неча минг йиллаб тўплаган заколик тажрибасини ўзида жамлаган. Чунки, баъзи ақидапарастларнинг эртадан кечгача фақат оллоҳ деб, кучга тўлган пайтда ҳам меҳнат қилмасдан тиланчилик билан кун кечиришлари кишига эриш туюлади.

Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг тўйлари муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази бир қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирган. Шу ойда бир гуруҳ ёзувчиларимиз бобокалонимиз қабрларини зиёрат қилиш учун Тошкентдан Бухорога боришади. Сарф харажатларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази ва марказнинг «Ўзбегим» кичик корхонаси қоплайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ўзбекистон Фанлар академиясн Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти билан ҳамкорликда 1993 йил 10 сентябрь куни соат 10.00 да «Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва бадний адабиёт» мавзуида илмий анжумани бошланади. Анжуман Ёзувчилар уюшмасининг НЕРУ кўчаси, 1-уйда жойлашган Адабиётчилар уйида бўлади. Ёзувчи, олим ва барча ихлосмандларни тадбрларимизга лутфан таклиф қиламиз.

ЭЪЛОН

«Ўзбек—ИПАК» саноат аграр инвестиция компанияси «Нефть таъминот» давлат корхонаси сифатида қайта ташкил этилди.

Эътирозлар эълон чиққан кунидан бошлаб бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Тошкент алоқа коллежи жамоаси меҳнат фахрийси Юсуф МУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси жамоаси уюшма Кенгашининг аъзоси, халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати Наби Раҳимовга рафиқаси Любовь РАҲИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миркамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандахрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев. навбатчи — И. Тошев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 498. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 21.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5